

ПРЕЗИДЕНТ ХУЗУРИДА ҚАБУЛ

8 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мамлакатимизга амалий ташир билан келган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Андрей Козиревни қабул қилди.

Ўзаро мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, ҳарбий-техник, гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамлашаридаги вазият, минтақавий ва халқаро миқёсдаги муносабатлар борада ҳам фикрлашиб олинди.

(ҒаА).



АСКАРЛАР ХУЗУРИДА

Самарқанд вилояти ҳокимияти ташаббуси билан Навоий вилояти ҳарбий бўлимида хизмат қиладиган аскарлар хузурида учрашув ташкил қилинди. Ҳарбий бўлимада хизмат қиладиган аскарларга вилоят ҳокимияти томонидан ош уюштирилди. Нарпай ва Пахтачи туманларидан ташир буюрган санъаткорлар Ватан ҳимоячилари учун катта концерт қўйиб берди.

Вилоят ҳокимияти ва Ёшлар Иттифоқи вилоят кўмитаси томонидан тайёрланган эсдалик совғалари аскарларга тақдим этилди. Бундай учрашувларни бошқа вилоятларда ҳам уюштириш кўзда тутилган.

«САЙҚАЛ»НИНГ ИЛК ҚАДАМИ

Хатирчи тумани сановат комбинати «Сайқал» ёпиқ ҳиссдорлик жамиятига айлантирилган, иши юришиб нетди. Жамоа бир йилда режадаги 21,4 миллион сўм

ўрнига 32,7 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлади. Ҳозир унда 10 дан ортиқ турдаги тикувчилик, тукувчилик, ат-торлик, қандолат моллари ишлаб чиқарилаётган.

МИЛЛИОН МАРКАЛИК ЕРДАМ

Олмонийнинг Қизил ҳоч жамияти Бухоро вилояти шифо масканларига 1 миллион немиш маркаси миқдорда турли доридармон, тиббиёт жиҳозлари етказиб берди.

— Биз илгари ҳам Бухоро соғлиқни сақлаш муассасаларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатган эдик, — дейди Қизил ҳоч жамияти вакили Анна Рюп. — Бундай хайри ишлар икки халқ ўртасидаги дўстлик, қардошлиқ муносабатларини янада мустаҳкамлайди.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШДАН ҚУРҚИМАН!

Риштонлик Муҳаммад-жон ака Мамажонов 30 йиллик зоотехник. Ёсини танидики, чорванинг но-ни билан рўзгор тебратиб келади. Лекин, шунча йил ишлаб ҳеч бири икки бўлмади. Йўқ, сиз у кишини ишқамас ёки ношуд десангиз, адашасиз. Гап бошқа ёқда...

Муҳаммад-жон ака бултур июнь ойида ўзи раҳбарлик қиладиган сўт-товар ферма-си ходимлари билан ба-

маслаҳат, ҳужалиқдан 19 миллион сўмга сотиб олди! Ўзгасиз фермада ишлаш ҳам-манинг жонига теккан эди-да!

Хусусий ҳиссдорлик жамияти ўтган йилни зарарсиз якунлади. Бу ҳужалиқ тари-хда биринчиси эди. Хусу-сийлаштириш учун давлат-дан олинган қарз пулини у 10 йил муддат ичида ту-лайман деб шартнома тузган. Ҳисоб-китоблар шуни кўр-сатяптики, ўша қарздан шу йилгича қўтилиш мумкин.

Ўзингиз ўйлаб кўринг: фермада ҳар кунга уч минг литр сўт соғиб олинапти, бир литр сутни 300 сўмдан сотишяпти. Бу ёқда 280 бош қорамолнинг ҳар бир боши бозор нархидан ўртача ярим-бир миллион сўмга тўғри келади.

Хўш, хусусийлаштиришдан ким зарар кўраркан? Шуна-қа!

«АЪЛО УҚИНГ — ПУЛ БЕРАМИЗ!»

Фаргона Политехника ин-ститутининг кундузги бўли-мида айни кунларда икки ярим мингдан зиёд талаба билим олапти. Уларнинг ўқи-ши, дам олиши ва яшашлари учун гамхўрлик қилиш ин-ститут маъмурияти ва жамоат ташкилотларининг диққат марказида турибди.

Йил бошида маъмур илм маскани Ёшлар Иттифоқи кўмитаси «аъло» баҳоларга ўқийдиган талабаларни мод-дий жиҳатдан рағбатланти-риш мақсадида ҳар бири 10

минг сўмдан бешта махсус стипендия жорий этди. Қў-митанинг бу тadbири илмга чақоқ ёшларни қизиқтиряп-ти.

Институтнинг биринчи курс толиби Ҳожимурод Ти-лаболдиннинг хомаки ҳи-сб-китобларига қараганда, агар у юқоридagi стипен-дияга олиб турса, 600 минг сўм эгаси бўларкан! Агар олий стипендия билан қў-шиб ҳисоблагудек бўлса, нақ 2 миллион!

...Қизингиз шундаки, Ҳожи-мурод ҳозирча «қарздор» ли-ги сабаб умуман стипендия олмади.

ИЗЛАНИШ САМАРАЛАРИ

Андижондаги «Комму-нар» механика заводи асо-сий маҳсулотдан ташқари пахта, кунгабоқар ва бошқа оқинлар уруғидан мол ола-ди. «ПШМ-200» мар-каси машина тайёрлади. Ўсимлик мойи етиштиришга сабабли маҳаллий хомашга талаб орди.

Корхона кичик консерва цехлари, гишт, асфальт заводлари учун машина ва ускуналар ҳам ишлаб чи-қармоқда.



ДЎСТЛИГИМИЗ АБАДИЙДИР

ДЕНИШДИ И ХАЛҚАРО КОРЕЙС ЕШЛАРИ АНЖУМАНИ ҚАТНАШЧИЛАРИ

«Истиқлолга эришган Ўз-бекистон диёрида яшаб, меҳнат қиладиганимдан го-яда бахтлиман, — дейди «Ко-чентре» халқаро корейс ёш-лари ассоциацияси раиси Р. В. Гуай. — Республика-миз Президент Ислам Каримовнинг халқлар ўрта-сидаги дўстлик, тинчлик-то-тувликни мустаҳкамлашга қаратилган одилона сиёсати бизга шундай имконият яра-тиб бермоқда. Бўлиб ўтган анжуман фикримизнинг ёр-қин ифодасидир. Бу ишда бизга яқиндан ёрдам берган Ўзбекистон Ёшлар Иттифо-қи Марказий Кўмитасига алоҳида миннатдорчилик из-хор этаман».

Дарҳақиқат, анжуман миллилатлар ўртасидаги ахи-лиқ равиш бўлиб хизмат қи-лди, санъатнинг бу борадаги қудратли кучини, салоҳия-тини кўрсатди. Том маъвода у икки халқ вакиллари —

СУРАТДА: анжуман ёш-лишдан лавҳа.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВАТЛАШ ДАВЛАТ КўМИТАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ Тўғрисида

Республика иқтисодий ислохотни янада чуқурлашти-риш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлашти-риш жараёнларини тобора авж олдирди, шунингдек тадбиркорликни ривожланти-риш ва қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш кўмитаси билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазири-лиги хузуридаги давлат мулк-ли жамғармаси негизда Ўз-бекистон Республикаси Дав-лат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қув-ватлаш давлат кўмитаси ташкил этилсин.

Давлат мулк жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазириликдан Ўзбеки-стон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тад-биркорликни қўллаб-қувват-лаш давлат кўмитаси тари-бига ўтказилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кў-митаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари кўйилгачлардан иборат қилиб белгилансин:

— Кўп тармақли иқтисо-дий шакллантиришда ва тадбиркорликни қўллаб-қув-ватлашда ягона сиёсатни ўтказиш, давлат тасарруфи-дан чиқариш, хусусийлашти-риш ва республикада хусу-сий бизнесни ривожланти-ришга қўмақлаштириш дасту-руларини ишлаб чиқиш ҳамда устивор йўналишларини белгилаш;

— Давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жараёнига таш-килий ҳамда услубий янхат-дан раҳбарлик қилиш, те-гишли тузилмалар фаоли-тини мувофиқлаштириш;

— Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлашти-риш жараёнида республика аҳолисининг мулкни ҳуқуқ-ларини ҳимоя қилиш, дав-лат мулк объектларини бошқа мулкчилик шаклла-рига айлантиришдан тушган маблағларни иқтисодийда-ги таркибий ўзгаришларга оид вазифаларини ҳал қилиш

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри 1994 йил 7 февраль.

Ешлар Иттифоқида нима гап?

«ХАР БИР ЁШГА—БИР КЎЧАТ»

Ўзбекистон Ёшлар Итти-фоқи Бухоро вилояти кўми-таси ана шундай ташаббус билан чиқди. Ёшлар Итти-фоқининг 140 мингдан зиёд аъзоси, шунингдек, 400 мингдан ортиқ йигит-қиз Ў-збекистон Ёшлар Иттифоқи XXVI курултойи парадига кам деганда биттадан мева-ли ёки манзарали кўчат ў-қазашга азму қарор берди. Вилоятнинг шаҳар ва қиш-

КўПДАН КЎТГАН ЭДИК. ЯХШИ-ДА...

Санъатнинг имко-ниятлари тексиз. Агар сиз Амрико фильмла-рини томоша қилсан-гиз, маҳоратнинг бе-қиссалигини ҳаловат оласиз. Ишланниш, воқеалар оқими таби-ий кечилиш нуктаи на-заридан оқсайдиган ҳинд фильмлари эса ўзининг таъсирчанли-ги ва тарбиявий қуд-рати билан кишини ларзага солади.

Москва телевиден-сининг «Муъжизалар майдои» каби қатор кўрсатувлари ниҳоят-да оммабоп. Кимнинг-дир назарда, бунга сабаб унинг «олди-қонди»дан иборат эканлигидир. Аслида ундай эмас, бу кўрса-тувлар ҳақида муай-ян йўналишга қарата-лади. Россиянинг тари-хи билан боғлиқ би-рон бир мавзунинг қам-раб олади, шунча то-мошабонинг диққатини ҳам жалб этади. Ўт-ган акшанба кунини Ў-збекистон телевиде-нинининг шу йўлдан сўй-ҳаракатининг ту-зук бир ҳосиласига шохид бўлди. «Она-лар бешлашуви» дея аталган бу кўрсатув-да миллият тарихига оид айрим воқеалар, улар содир бўлган са-наларни қайта эслаш-га уриниш бўлдики, бундан кўнгиллар яй-ради. Кўрсатув мавзу-нуктан назардан из-чиллик, моҳиятдан те-рақлиқ ва ўзига хо-слиқ касб этиб борса ёмон бўлмас эди. Аммо... шу уриниш-нинг ўзи ҳам яхши-да.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри 1994 йил 7 февраль.

Олти асрни нурлантирган олтмиш йил



Яхши-ёмон кунларда миллитнинг қадли синмаган экан, бунга сабаб — унинг таниш тоғлари мавзуд, Муш-қул онларда, мен фалон зотинг еттириган халқнинг, феризанига қолмай, эртанги кунига умиду ишонач билан қарашига асос топа олган.

Бугун олтмиш йил умр кўрган бўлса-да, олти асрдан бўён тафаккур зиёси билан маънавиятимизни нурланти-риб келадиган шундай азия зотининг таваллуд кунини. Шу айём арафасида бир қатор адабиёт ва санъат намоёндал-лари ул зотининг муборак номи билан аталувчи нуфузли мукофотга сазовор бўлишди. Албатта, биз уларни чин дилдан кутаймиз.

Сўз миср Алишер Навоий мукофоти соҳибларига:

Абдулла ОРИПОВ:

— Табрикларингиз учур раҳмат. Навоий бобомизнинг табаррук номлари халқимиз-нинг ҳар бир фарзанди учун ягонадир, бетимсолдир. Шундай қутлуғ кунларга етиб келдикки, Ўзбекистон давлатимизнинг буюк муко-фоти бобомизнинг номлари билан атала бошладилар. Ал-батта ушбу сийловдан ёш-қарра адибларимизнинг бар-часи ҳам миннатдордир, деб ўйлайман. Айниқса, Прези-дентимизнинг дастхатлари билан ёшлон қилган ру-йхатда унутилмас Шароф Ра-шидовнинг номларини кўриб бениҳоя хурсанд бўлдим. Шароф аканинг бунёдкорлик ишлари Навоий бобомизнинг фаолиятларига ҳам гоитда ўхшашдир. Барчамизни жум-ладан, Ўзбекистонимизнинг ёшларини ҳам ҳазрат Наво-ийнинг руҳлари қўлласин.

Жаҳонки муқаддас неин кўрибди — Варага онасан, эй, қодир ҳаёт. Беш юз йил наридан боқиб турибди, Нурли бу юзларга нуроний бир зот.

ШУКРУЛЛО:

— Инсон борки, муҳаббат деб яшайди. Шу туйғусиз ҳеч кимнинг бахти мукам-мал бўлмайди. Албатта му-ҳаббат вафо ва садоқати би-лан гўзал. Муҳаббат муна-мал бўлмори учун ҳар бир инсон ўзининг яшайдиган ма-қсадини билмори керак. Бу-лар ўз-ўзидан инсон қалби-да, ақл-заковатида пайдо бўлмайди. Менимча, бунга эришмолнинг бир қалити бор. Бу буюк устозимиз

нат ўз қадрини топадиган кунларга етишдик. Биз му-стақил бир жумҳурият, бир халқ бўлмаганимизда эди, «Кафасиз» кўмилганлар» асарим рўбга келиши мум-кин эмасди. Шукри, жами-ятнинг нуқсонлари, халқи-мизнинг бошига тушган но-ҳақ кулфатларни холисона тасвирлаган адибни мукофот эмас, балки қамқонлар-у, оғир жазолар кутадиган даврлар ортда қолди. Бу-ларнинг барчаси мустақил-лиқнинг шарофатидир.

Барот БОЙҚОВИЛОВ:

— Ҳазрат Навоийнинг Мир Алишер Навоий ме-нини назаримда Ўзбек-нинг шамсул миллати, па-дари бузрукворини. Бу буюк зот ҳақида асар ёзиш фи-ри менда 60-йилларнинг охи-ри, 70-йилларнинг бошида туғилган эди. Бизда Те-мурийлар даври тарихига ай-ниқса, Алишер Навоий ва Султон Хусайн Бойқор-даври тарихига бир томон-лама ёндашиб келинган эди. Тарихни сиёсатга мослаб

талқин қилиш, давр ҳукмига бўйсундириш жуда қимматга тушди. Алишер Навоий сий-мосига, у қолдирган буюк меросига сохта кўз билан қа-радик. Асарларни қисқарти-риб, сиёсатга хизмат қи-лиш учун нашр этдик. Наво-ий билан Бойқорнинг дўст-лиги бузиб кўрсатилди, уларни дўст эмас, бир-бири-га рақиб сифатида тасви-рланди.

Менинг «Навоийнома» чор китобимни ёзишимдан асосий мақсадим, Навоий яшаган даврни, кейинги султонлар тарихини, икки дўст ўртасидаги азалий оқи-батни қандай бўлса, шун-дайлигича ёритиш эди.

Халқимиз Навоий ижоди-дан тўлиқ баҳраманд эмас, у зотининг бир-иккита асар-ларининг номинигина билиш ўта кеңирилмас ҳолдир. Менинг ёшлардан илтимосим шуки, вақтин бекор ўтказма-синлар. Бугун имконият бор экан, ўтмиш меросимизни ўрганишга қаттиқ деб боғла-синлар. Вақт зое кетса, умр зое кетади.

Бу мукофотнинг менга берилиши эгилган ҳақиқат-нинг тикланиши, йўлқолган адолатнинг барқарор бў-лишдан далолатдир. Бу юк-сак ишонч мени ҳар вақт янги асарлар ёзишга, мил-латимиз, юртимиз раънақи учун хизмат қилишга даъват этиб туради.

Ахсан БОҲУР:

(АНҚАРА).

— Ўзбекистон давлати-нинг бундай олий мукофоти-га лойиқ деб топилдим, аввало қамтарона хизматла-римга берилган юксак баҳо, қолаверса, туркий халқлар-нинг бир-бирига бўлган ҳур-мат-эҳтирмининг ифтихоси деб биларман. Ниҳоят, Ал-лоҳга беадад шукрлар бўл-синки, турк улуси бир-би-рини бағрига босадиган, бир-бирининг маънавияти-дан, маданиятидан бемалол фудур билан баҳраманд бў-ладиган кунларга ҳам етдик. Мен Туркияда Абдулла Қо-дирийнинг «Ўтган кунлар» романини ўқиб, йиғлаган-ларни кўрганман. Бундай гўзал асарлар яратишга қо-дир халқ, шубҳасиз, буюк халқдир. Шу халққа мансуб эканлигимдан фахрлан-ман. Сиз эришган муста-қиллиқнинг маънавий зами-ни бўлиб хизмат қилган бу-дай асарлар қўлгитига ий-момим қолди. Ниятим кела-жақда Ёркин Воҳид, Абдул-ла Ориф, Халима Худойбе-диева, Шукру Холмирова, Тоғай Мурод каби шоир ва адибларнинг ижодларини ҳам кеңг тарғиб этиш. Бу бизнинг турк дунёси ўзлиги-ни тегароқ аниқлашга қў-шаётган ҳиссамиз бўлади.

Сирожиддин РАУФ ёзиб олди.

Менинг Ўзбекистон — дилбар Ватаним

УРГУТ—ЭРТАКЛАРДАГИ ДИЁР

- ТОШЛАРГА ЖОН АТО ЭТГАН — АМАЛИЙ САНЪАТ.
- МИЛЛИЙ МЕЪМОРЧИЛИКНИНГ ХАЕЛИЙ ЖИЛОЛАРИ.
- ЮРАКЛАРИ ИШТИЕК ЭНДИРСА ЮРГА ФАЙЗ ҚИРАДИ.

Бундан беш-олти йил му-қаддам ургутлик бир ҳамкас-бим менга шундай бир лети-фани наъл қилган: тижорат юмушлари билан Амрикога борган иккита ургутлик Нью-Йорк аэропортига кириб, чи-пта советтан кассирдан сўра-шибди:

— Москвага чипта борми?

— Йўқ.

— Ленинградга-чи?

— Йўқ.

— Киевга-чи?

— Бу шаҳарга биздан само-лёт учмайди.

— Минска! Тошкентга! Са-марқандга-чи?


— Бу шаҳарларга биздан ҳеч қачон самолёт қатнама-ген.

— Ургутга-чи?

— Ургутнинг қаерига учмоқ-чиси Каттачирмаги ёки Ки-чик чирмаги?

Албатта бу летифа. Аммо унинг замирида шу ерлик халқнинг уйдабуроллиги, тад-биркорлиги яшириндир. Ур-гутликлар ишининг кўзини би-ладиган, киндик қони томан юртин гўлдай яшатиб қўйиш-га қурбон-қудрати етадиган кишилар. Мен ҳар сафар бу қадим маконни сайр этганда бир нарсга ҳақида ўйлаб қола-ман: нега ургутликлар каби машаққатларни енгиб ўтишга ҳаммамиз ҳам куч сезавер-маймиз.

(Давоми 3-бетда).





Фаргона туманидаги «Хақиқат» жамоа ҳўжалигидаги мавжуд 1800 бош ушоқ молнинг 856 боши совлиқ бўлиб, бу йил қўйчивонлар ҳар юз бош совлиқдан 102 тадан қўзи олиш ниятида меҳнат қилишадир.


Айниқса чўпонлар ака-ука Ор-

тиқбой ва Давлатбек Абдурахимов отарида ушоқ моллар парвариши кўнгилдагидек олиб боришмоқда.

СУРАТДА: бош чўпон Ортиқбой Абдурахимов эгизак қўзилар билан.

Ш. Олимов сурати.

(ЎзА).



ДУҚМА

ДОРИ-ДАРМОН ТАНҚИСМИ?

Нуроний бир кампирнинг дори-дармон харид қилиш мақсадида келатганини пайкаган «дорихона» хизматчиси сўраб қолди.

— Бувингиз, американский аспирин керакми?

— Вой шунақасидан борми? — Аспирин қилдириб чарчаган кампир суюниб кетди.

— Растданим, а?

— Нечта керак? — Чўнтагинини қовлаб 5 мингталикдан битта чикларинг-чи.

— Ҳаммасига берасанми?

Шундай ноёб дорилар ҳам бемалол сотиладиган замонлар келарканми? Хайрият. Пулга тузоқ қўйилганларга айлинишдан қутулган бўлибди, дейишга шояд бўлади. Бундан бундан қандай камбў дори-дармон керак бўлса, Олой бозоридаги «дорихона филиали»дан топаверасиз. Фақат парҳиза чидасангиз, бас. У ерда

сизга оппоқ халат кийган дористунослар эмас, балки бу соҳадан анча йироқ қиллар «савдо хизмати» қўрсатишди. Қўнчилиқ билан қилиб олишадиган, дорининг сифати, сақланиш муддатини текшириб қўйиш ҳайларига ҳам келтиришмапти. Ҳаттоки, репентин ҳам утатишди. Аювонлар эса лотин алифбосида ёзилган ёзувга тушунамас ҳам репентин бир қараб қўйиб, «ўзи нима қасал?» дея сўради. «Керакли» дориларини сотишди. Наҳотки, ўз билгича иш юритётганларни назорат қилувчилар топишмас?

Нисон саломатлиги пост-боллар, бемор дарди — сизнинг ташвишингиз эмасми?

Л. СОАТОВА,
«Туркистон» мухбири.

Кичик корхонанинг катта ишлари

Дангарадаги Қодиржон Хайдаров номидаги «Уймакор» кичик корхонасининг фаолияти кўрсата бошлагани ҳеч қанча бўлгани йўқ.

Аммо шу қисқа фурсат ичида кичик корхонанинг жамғараси сўзлашга арзғулик ишлари амалга оширишга улгуришди.

Корхона аҳли асосан ота-боболаримиздан мерос бўлиб келатган ёғоч ўймакорлик ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш билан биргаликда тарихий биданларини таъмирлаш ишларини ҳам амалга оширадир.

«Уймакор» усталари шу кунгача Фаргона вилояти гўшт ва сўт маҳсулотлари савдо бошқармаси, вилоят Урмон савдоси базасининг айвончаси, Дангарадаги Саидхонмадон масжиди, «Наврўз» чойхонаси дарвоза ва устунларини тайёрлаб бердилар.

Корхонанинг қўқонлик уста Қодиржон Хайдаров номи билан юртилишининг сабабларидан бири машҳур устанинг аяналарини давом этказиш бўлса, иккинчи сабаби кичик корхонанинг бошлиғи Мирзаусмон Умаров Қодиржон Хайдаровнинг туғиб-на-бироқидир. Мирзаусмон бобосининг ёшида юрб узоқ йиллар ўймакорлик сир-асорларини ўрганди.

Собиқ СССРнинг турли шаҳарларидаги қосиқларни қуришда қатнашди. Бобоси ишини давом эттираётган М. Умаров бугунги кунда ўзи ҳам ёшларга мураббийлик қилаётди. Корхонадаги 13 нафар ишчининг барчаси ёшлардан иборат.

Биз асосан эман, чинор ва ёғоч дарахларининг ёғочларига нақш ўямиз, — дейди корхона бошлиғи М. Умаров. — Улар эса ярим йиллаб дастлабки ишлов беришни талаб этади. Аксари ҳолларда буюртмачиларнинг вақти тигиз бўлади. Шуларни ҳисобга олиб

биз корхонанинг ёғоч заҳирасини жамғариб олдик. Ўзимиздаги ёғочларга дастлабки ишловни бериб қўямиз. Буюртмачига ишлов беришдан ўзи маҳсулотимиздан маҳсулот асеймиз. Буюртмачининг ёғочини эса дастлабки ишловга ташлашимиз. Натияжада буюртмачи вақтдан, биз эса буюртмадан ютамиз.

Ф. НАЗИРОВ,
Фаргона вилояти, Дангара ноҳияси.

Суратларда: М. Умаров шоғирди Ш. Нуралев билан; ўймакор Зафаржон Худойбердиев.



ЯСАМАЛАР
МУЗЕЙИ
● БОЗОР муносабат-
ларига ўтиширинг ахши

томонлари билан бир қаторда одамларнинг асабини тараққийлатишда ҳам теътез кўзга ташланмоқда. Шулардан бири ҳар хил ясама ичимликлар атир-упаларнинг тижорат дўконларини босиб кетганлигидир. Ниҳийи Новогорода ана шу жарвонга қарши курашнинг ўзига ҳоқ усулини топишди: шаҳарда ясама маҳсулотлар музейи очилди.

Бу ердан сиз бадбўй-лигига чидаш қийин бўлган, аммо «Сделано во-

Франция» деган ёзувли «Вечерний Париж» атири ҳам, латтадан тикилганига сизни ишонтирувчи Тейланд туфлисини ҳам, қатор қилиб териб қўйилган сохта арман коньякларини ҳам топишингиз мумкин. Ароқларнинг сон-саногини «Столичий»дан «Распутин»гача саф тортиб туришди. Аслида уларнинг бари ярим техник спирт «Рояль»дан тайёрланган.

Айтиш мумкинки, музей экспонатлари кун сайин кўпайиб бормоқ-

да. Энди шундай музей-ларни Россиянинг бошқа шаҳарларида ҳам очиш ҳақида жиддий бош қотирилмоқда. Дарвоқе, шу ўринда музей ташкил қилиш истаёти молячилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамғармасидан чиққанлигини таъкидлаш жоиз.

ЧОЙДАН ЧИҚАН...
МОТОЦИКЛ

● ОМАД келаман деса, ҳеч гап эмас экан. Узоқ Красноярск ўлкасининг Новокубанск туманида яшовчи

А.нинг кутилмаганда бахти чопиб қолди. Ўзи ахши қўрайдиган ҳинд чойининг навабдига қилини очиб, ундаги қалин қорозга битилган инглизча ёзуви ўқиб, қўларига ишонади. Унда мажор чў қўтисининг эгаси ҳинд фирмасининг Москвадаги ваколатхонасига бориб, ютқ сифатида «Хонда» мотоциклли олиб келиш мумкинлиги айтилган эди.

Энди унга Москвага бориб мотоциклни ҳайдаб келиш қолди. Аммо

йўл ҳаражати... Афсуски, чой қутисидан бу ҳақда ҳеч нарсаси дейилмаган.

Мақтаб ва ҳунар-техника билим юртларида бу иш билан билимдон мутахассислар шугулланишди. Уларнинг 78,1 фоизи олий маълумотга, 20 фоизга яқини эса ўрта махсус ҳарбий маълумотга эга.

Тошкент Олий умумқўшун қўмондонлиги билан юртида, йўл ҳаражати бўлиб қолди. Тошкент олий ҳарбий қўмондонлиги техника билим юртида олий ўқув юртлари

нинг ҳарбий кафедра-ларида «Очиқ» эшиклар қўни» ўтказилди. Собир Раҳимов, Юнусов ва Шайхонтоҳур туманларида бундай тадбирлар айниқса намунали ташкил этилди.

— Ёшларни ҳарбий касб-ларга қизиқтириш ишлари қайси туманларда ахши йўлга қўйилган?

— Бу иш Мирзо Улуғбек, Миробод, Ҳамза туманларида ахши йўлга қўйилган. Бу туманларда ўқиб ёшлар ҳарбий билим юртларида киришга тайёргарликдан ўтишди.

Мақтаб ва ҳунар-техника билим юртларида ахши ўқув-моддий база яратилган бўлиб, деярли барча мактабларда ёшларни армия хизматига тайёрлаш ҳолатлари бор. Болалар ихтиёрида 200 та ишпоига отиш машғулотли ўқаздиган жой бор, бироқ мактабларда отиш қўроқлигини йўқлиги туфайли улар ҳозир ишламаяпти. Айрим мактаблар уларни хароб ахволга тушиб қолмаслиги учун ижарага беришга мажбур бўлишмоқда.

— Шаҳар мактаблари ва ҳунар-техника билим юртларида ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишида қандай умумийлаш бор ва улар қандай ҳал қилинган?

— Асосий эътибор ҳарбий амалий малакани шакллантириш, жисмоний ва руҳий тайёргарлик масалаларига қаратилган. 10—11 синфларида ёшларга ҳарбий-техник мутахассисликни бунча таълим бериш зарур. Бу ишда мудо-фаага қўмақлашувчи «Ватанпарвар» жамияти билан ҳамкорлик қилиш ахши натижага беради. Шу масалалар бўйича Миробод туманидаги 175-мидтаб «Ва-

танпарвар» жамияти билан ҳамкорликда 10—11-синф ўқувчиларини дарсдан ташқари пайтада ҳарбий-техник мутахассисликка ўргатиш мўлжалланмоқда.

— Ўғил ўқув йилида айрим мактаблар 9 йиллик таълимга ўтади. Бу ҳолда ёшлар қарда ҳарбий хизматга тайёргарлик қўради?

— «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат ҳақида»ги Қўнонға мувофиқ, ҳарбий хизматга ахши тайёргарлик қўрмаган ёшлар хизматга жўнатилишдан олдин ҳокимликлар ташкил этидиган мудофаа-спорт-соғломлаштириш лагерларида қўнмача тайёргарликдан ўтади. Бу ўқув йилида Ҳамза туманидаги 227-тўғ-қиз йиллик мактабда туман халқ таълими бўлими ходимлари тайёрлаган ва шаҳар халқ таълими Бош бошқармасида тасдиқланган «Ҳарбий машқ асослари» дастури бўйича тақриб тарихда машғулот ўтказилди. Собир Раҳимов туманида ёшларни миллий мустақиллик мафқураси, асрий анъаналар ва халқ урф-одатлари руҳида тарбиялаш иши бўйича услубий материаллар жамланган.

Шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси кадрлар масаласини ҳал қилиш бўйича ҳам аналитика ишлар қилди. Бироқ малакали ҳарбий раҳбарларни жалб этиш мумамоси ҳал бўтунай ечилган эмас. Туман мудофаа ишлари бўлимидаги мактаблардаги ҳарбий раҳбарларга ҳарбий унвонлар бериш масаласи ҳал этилмаган.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳайъатининг аянда бўлиб ўтган йилида ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш масаласида қўнмача бўлиб қилди. Бу соҳадан ишнинг аҳоли жиддий таълиқ этилиб, ўқувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлашни тақомиллаштириш ва уларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича амалий тадбирлар баён қилинди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

нинг визаси чет элга борадиган асос бўлади деб ҳисоблансин».

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлашти-

риш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ри-вожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида).

— Республикада ички маршурлар бўйича дам олишни ташкил этиш, сайёҳларга хизмат кўрсатиш қандай ташкил этилган?

— Оқининг айтганда дёри-миз жаннатимиз. Унинг сўлим гўшалари, тарихий обидалари ҳар бир ҳоржик сайёҳни ўзига мафтун этаётганлиги ҳам шундан. Лекин олдиндан оқ-бекжиз айтишмаганда, Республикада истақомат қил-лаётган қўнмача фуқаролар, шу жумладан, ёшларимиз ҳам ўзимизнинг мана шу бебаҳо қадриятларимиздан ахши бераман деб ўйлаётган.

Биз ўз фаолиятимизда ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган ана шу қадриятларимиз билан йигит-қизларимизни ошно қилишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу ҳар бир сайёҳнинг ўзини ҳам ҳордик, ҳам ўз қадриятларини чукор англаш имкониятини беради. Шунингдек, Чимён, Қумушқон сингари сўлим гўшаларда ҳордик чикаришни ҳам йўлга қўйганмиз.

Шунингдек, Қашқадарё, Ан-

бор қўнмача афзал, дейишди. Бу ёш қалбларга қўнмача таъсир ўтказди ва уларда ўтмиш меросимизни ўрганишга иштиёқ ота-боболарга мўнмача бўлиш тўғрисида уйғотиш турган гап.

Бундай тадбирлар қўнмача дам олишни ташкил этиш борасидаги катта бир ташаббусимизни қўллаб-қувватлаётганлиги, «Тошкент шаҳар меҳнатқиларининг дам олишни ташкил қилиш тўғрисида» ҳар қабул этганлиги алоҳида мамнуният билан таъкидлаб ўтишни истардим. Бунинг «Ўзбекистон» миллий компанияси ҳам маъқуллади.

Ҳозир Тошкент шаҳридан ҳар шанба, якшанба кунлари 1—1,5 минг киши Чимёнда ҳордик чикариб қайтиб келаяпти. Йўлланманинг баҳоси тўрт минг сўм-купон (оқдй рейс автобусининг чикиси 3 минг сўм-купон туради). Бошқача қилиб айтганда, дам олишга бораётган меҳнатқилар учун деярли бепул деса бўлади. Чунки ана шу сўм-ку-

лан дам олишга чиққан меҳнатқиларга турли таомлар ҳамда чой ташкил этиляпти. Бу бир томон. Иккинчидан, дам олишга чиқувчилар турган автобуслар Давлат автомобил нazorати ҳамда тиббиёт ходимларининг кузатувида олиб бориб, олиб келиб қўйилапти. Шунинг учун ҳам одамлар бола-чақалари билан ҳордик чикаришга чиқсаяпти.

— Агентликнинг бу йилги режалари ҳақида нима деса оласиз?

— Ўғил йилимиз ҳайри бўлади. Бизнинг ҳам бу йилги режаларимиз катта. Жумладан, «Сайру-савҳат» поездини ташкил этиш юзасидан шў олиб бораёламиз. Ўғилда қилиб айтганда, бу поезд Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида сайру-савҳатга чиқувчилар учун ҳар жихатдан қўлайлик яратиб имкониятини беради. Чунки ҳозир ҳар бир давлатнинг ўз пули мумоалада. Шундан мазкур поездда ўзимизнинг сўм-купон ишлайди. Сайёҳчилар мазкур поездда оқватланади шу ерда туради.

Иккинчи йўналишимиз бу Ўзбекистон йўналиши Иттифоқи кўмиталари билан биргаликда йигит-қизларнинг ихтисослаш-тирилган сайру-савҳат гуруҳ-ларини ташкил этишдир. Бун-да мактаб ўқувчилари, талаба-ларини турли йўналишлар бў-йича маълум мақсадга йўнал-тирилган савҳатини ташкил этиш. Ҳозир шу соҳада иш олиб бориляпти.

Яна бир ниятимиз бор. Агар у амалга ошгудек бўлса, мак-таб-интернат ўқувчиларига бе-пул хизмат кўрсатишни йўлга қўйишдир. Бунинг учун биз-нинг даромадимиздан олинган солиқнинг 18 фоизини Ўзбекистон Республикаси Дав-лат солиқ қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси шу мақ-садга иштатишга ижозат этгу-дек бўлса, жуда ҳайрли иш бўлар эди. Лекин оғир маса-ла. Шундай бўлса ҳам ота-онасиз қолган болаларга, но-чор ўқувчиларга қўмақлаш-тириш — бу келажак авлод учун гамҳўрлик демак. Бу — со-ғлом авлод учун, ўз тарихидан бохабар бўлиш имкониятини яратиб демак.

Ёшлар Иттифоқи Чилонзор қўмитасининг ҳўжалиқ ҳисо-биде ишлайдиган «Себуса» ки-чик корхонаси институт, тех-никум ўқувчиларини ҳамда талабаларининг ахшидан қўн-ларни дам олиш учун кетади-ган сарф-ҳаражати ўз зимма-сига олиш ташаббуси билан қилди. Бу биринчи қадам. Та-лаба ва ўқувчи бўш вақтини энди ётқонхонада эмас, балки хўшмақара тоғли жойларда, республикамиз меъморийлик саноатининг қўзғуси бўлган Самарқанд, Бухоро сингари шаҳарларини томоша қилиш билан ўтказишни қандай ахши! Агентликнинг бу йўналишга қўйган асосий мақсади фа-кат қўнмача олишга эмас, бал-ки меҳнатқиларимизга, йи-гит-қизларимизга қўлай, си-фатли хизмат кўрсатишдир.

Ўтган йилининг сарф-ҳисо-би қандай?

— Ўғилда қилиб айтганда, ўтган йили 280 миллион сўм-ликдан зиёд хизмат кўрсатиш-ди; 500 киши ҳоржик эллар-да сайру-савҳатга бўлиди. Шан-ба, якшанба дам олиш кунла-ри 15 мингдан зиёд одам хўшмақара жойларда дам олишга юборилди. Агентлик-миз олган умумий соф даро-мад 36 миллион сўмни ташкил этиди.

Сўхбатдош:
Карим РАҲИМ.

Қутлуг кун

Зиб келтирмайди.

Ҳар гал Карим акага рўбурў келганда Иван Буниннинг шу ҳикояси ҳайлидан кечади. Йўқ, мен бирон марта денгиз бўйида уни учратмаганман, сайр келмасин чининдаи ярд-киратиб артаётганига шохид ҳам бўлмаганман. Наинки, кема, ҳатто иш столини ҳам. Аммо ўша ҳикоядаги денгиз ўрнини тахририят ишголис, имомини қилиб, асарининг мо-хияти асло ўзгармасди.

Мен гоҳо қимгадир орқа қилибми, қўлини совуқ сука ўришни истамайдиган айрим ёшларни кичининг ортидан галати бир назар билан қа-рашларини илғаб қолсам ва ўйлабман: агар тақдир сий-лаб, у вақир бўлганда бу му-носабат қандай тус олган бў-

лар эди?

Аммо муҳими бу эмас. Тақ-дир ҳар қимга ўз қисматини ато этган, шу ўрм яшаб ўти-лад, гап уни қандай кечирини-да.

Карим ака Бернар каби ўт-ган умри учун афсус қилмай-ди, олтим йилини у заҳмат би-лан ҳалол кечирди, ризки, дастурхонига, бола-чақасининг олдиға қўйган нони ҳалол, манглай терига йўғрилган.

У дастлаб минг ҳажжон би-лан мана шу газета тахририя-тида иш бошлаган, шу даргоҳ-да сочларига қиров инди, шу даргоҳда олтим йилга етди.

Гарчи ёши бир жойга бориб қолган бўлса-да, ҳаммадан аввал ишга келади, ишларини ҳам ҳаммадан аввал қўнги-дагидек қилиб беради, кеч-курун ҳоржин пуфлаётган пара-



воз каби тамақини бурқситган-ча секин уйига қайтади: бола-чақалари, неваларини қошга... Бу ҳам бир давлат.

Гаффор ҲОТАМОВ.

АРМИЯГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИБ БОРИШ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси ўз қўролли қучларига эга бўлиши муносабати билан ёшларни ҳарбий хизматга та-қабиллашга қадар тайёрлаш масаласи ҳам муҳим бў-либ қолди. Бу иш тобора мукаммаллаштирилиши, тайёргарликнинг ахши шакли ва усулларини қидириб топишни тақозо этади. Республика халқ таълими вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқар-маси бошлиғи Х. Йўлдошев билан сўхбатимиз шу мавзу-да бўлди.

— Ҳамидулла Қаюмович, шаҳар мактабларида ёш-ларни ҳарбий хизматга тай-ёрлаш ишлари қандай олиб бориляпти?

— Шаҳар мактаблари ва ҳунар-техника билим юрт-ларида ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш Ўзбеки-стон Республикасининг «Уму-мий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат ҳақида»ги Қўнонға асосида олиб бо-рилмоқда. Ўқувчиларни ҳар-бий касбларга қизиқтириш Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қўролли Қучлари, чегара ва ички қўшинларида ҳарбий интизомни янада мустақ-лаш ва тарбиявий иш-ларни тақомиллаштириш тадбирлари ҳақида»ги қа-роридеги талабларга мос-лаштирилган. Тошкент ша-ҳридаги ёшларни ҳарбий хиз-матга тайёрлаш бўлими 1993—95 йилларда миллий зобит кадрлар етиштиришни янада ахши йўлга қўйиш дастури бу ишнинг асосини ташкил этади.

330 билим юртида, 15 та лицейда, 20 дан ортиқ гимназия, 5 та кол-леж ва 4 та техника лицейида ёшларни армия хизматига тайёрлаш ишлари олиб боришмоқда. Бугунги кунга қадар бир неча минг-дан ортиқ ёш йигит бундай тақсилни олиб бўлди.

Мақтаб ва ҳунар-техника билим юртларида бу иш билан билимдон мутахас-сислар шугулланишди. Уларнинг 78,1 фоизи олий маълумотга, 20 фоизга яқини эса ўрта махсус ҳарбий маълумотга эга.

Тошкент Олий умумқўшун қўмондонлиги билан юртида, йўл ҳаражати бўлиб қолди. Тошкент олий ҳарбий қўмондонлиги техника билим юртида олий ўқув юртлари

нинг ҳарбий кафедра-ларида «Очиқ» эшиклар қўни» ўтказилди. Собир Раҳимов, Юнусов ва Шайхонтоҳур туманларида бундай тадбирлар айниқса намунали ташкил этилди.

— Ёшларни ҳарбий касб-ларга қизиқтириш ишлари қайси туманларда ахши йўлга қўйилган?

— Бу иш Мирзо Улуғбек, Миробод, Ҳамза туманларида ахши йўлга қўйилган. Бу туманларда ўқиб ёшлар ҳарбий билим юртларида киришга тайёргарликдан ўтишди.

Мақтаб ва ҳунар-техника билим юртларида ахши ўқув-моддий база яратилган бўлиб, деярли барча мактабларда ёшларни армия хизматига тайёрлаш ҳолатлари бор. Болалар ихтиёрида 200 та ишпоига отиш машғулотли ўқаздиган жой бор, бироқ мактабларда отиш қўроқлигини йўқлиги туфайли улар ҳозир ишламаяпти. Айрим мактаблар уларни хароб ахволга тушиб қолмаслиги учун ижарага беришга мажбур бўлишмоқда.

— Шаҳар мактаблари ва ҳунар-техника билим юртларида ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишида қандай умумийлаш бор ва улар қандай ҳал қилинган?

— Асосий эътибор ҳар-бий амалий малакани шакллантириш, жисмоний ва руҳий тайёргарлик масалаларига қаратилган. 10—11 синфларида ёшларга ҳарбий-техник мутахассисликни бунча таълим бериш зарур. Бу ишда мудо-фаага қўмақлашувчи «Ва-танпарвар» жамияти билан ҳамкорлик қилиш ахши натижага беради. Шу масалалар бўйича Миробод ту-манидаги 175-мидтаб «Ва-

танпарвар» жамияти билан ҳамкорликда 10—11-синф ўқувчиларини дарсдан ташқари пайтада ҳарбий-техник мутахассисликка ўргатиш мўлжалланмоқда.

— Ўғил ўқув йилида айрим мактаблар 9 йиллик таълимга ўтади. Бу ҳолда ёшлар қарда ҳарбий хизматга тайёргарлик қўради?


— «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат ҳақида»ги Қўнонға мувофиқ, ҳарбий хизматга ахши тайёргарлик қўрмаган ёшлар хизматга жўнатилишдан олдин ҳокимликлар ташкил этидиган мудофаа-спорт-соғломлаштириш лагерларида қўнмача тайёргарликдан ўтади. Бу ўқув йилида Ҳамза туманидаги 227-тўғ-қиз йиллик мактабда туман халқ таълими бўлими ходимлари тайёрлаган ва шаҳар халқ таълими Бош бошқармасида тасдиқланган «Ҳарбий машқ асослари» дастури бўйича тақриб тарихда машғулот ўтказилди. Собир Раҳимов туманида ёшларни миллий мустақиллик мафқураси, асрий анъаналар ва халқ урф-одатлари руҳида тарбиялаш иши бўйича услубий материаллар жамланган.

Шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси кадрлар масаласини ҳал қилиш бўйича ҳам аналитика ишлар қилди. Бироқ малакали ҳарбий раҳбарларни жалб этиш мумамоси ҳал бўтунай ечилган эмас. Туман мудофаа ишлари бўлимидаги мактаблардаги ҳарбий раҳбарларга ҳарбий унвонлар бериш масаласи ҳал этилмаган.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳайъатининг аянда бўлиб ўтган йилида ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш масаласида қўнмача бўлиб қилди. Бу соҳадан ишнинг аҳоли жиддий таълиқ этилиб, ўқувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлашни тақомиллаштириш ва уларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича амалий тадбирлар баён қилинди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

ТУТМИШ ОЛАМ САТХИНИ



Диққат, янгилик!

Ўқишга имтиҳонсиз киришни истайсизми? МАРҲАМАТ!

МАТЕМАТИКАДАН СИРТҚИ ОЛИМПИАДА

Маълумки, 1994 йилда буюк аллома Улугбек Мухаммад Тарағай таваллудига 600 йил тўлади. Шу муносабат билан бу санани республикада кенг нишонлаш кўзда тутилмоқда. Жумладан, юбилейга бағишлаб кўпгина китоблар нашр этиш, Улугбек илмий меросини чуқурроқ ўрганиш, илмий-назарий конференциялар, семинарлар ўтказиш каби қатор тадбирлар кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон давлат телерадиокорпорацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ФА билан ҳамкорликда юбилейга бағишлаб математикадан сиртқи олимпиада ўтказишга қарор қилди.

Олимпиадани ўтказишдан мақсад, Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари ва ҳунар-техника билан юрларида жаҳон фани ва маданияти хазинасини бойитишда Марказий Осиё халқлари ва буюк алломаларининг қўшган ҳиссаларини кўрсатиш, Улугбек илмий меросининг янада чуқурроқ ва афзолияти ўрганилишига эришиш, математикага қўйиладиган эшларни топиб, тарбиялаш.

Олимпиада уч босқичда ўтказилди. Биринчи босқичнинг савол ва топшириқлари 31 январь кuni эълон қилинди. Уларнинг жавобларини ўқувчилар ёзма равишда қўйидаги манзилга 15 февралдан кечикмасдан юборишлари керак: Тошкент шаҳри, 700011 Навоий кўчаси 69-уй, Ўзбекистон телевидениеси Фан ва маърифат тахририяти «математикадан сиртқи олимпиадага, Мухлат хатга қўйилган почта тамғасига кўра аниқланади. Шундан сўнг ҳакамлар ҳайъати ишларни текшириб, ғолибларни аниқлайди ва телевидениеда эълон қилади. Иккинчи босқичда биринчи босқичдан ўтган ўқувчилар қатнашадилар.

Иккинчи босқич саволлари 28 март кuni телевидение орқали эълон қилинади. Шундан сўнг жавобларни ўқувчилар юқорида кўрсатилган манзилгоҳга 15 апрелга қадар жўнатишлари керак бўлади. Бу муҳлатдан кечикиб юборилган жавоблар қараб чиқилмайди. Учинчи босқич Тошкент шаҳрида, бевосита телевидениеда ўтади. Шу сабабли берилган топшириқларни ўқувчиларнинг ўзлари ечишлари керак. Акс ҳолда учинчи босқичда уялиб қолышлари мумкин. Учинчи босқич иштирокчиларига тест синови саволлари ва амалий топшириқлар берилди ҳамда берилган жавобларга кўра олимпиада ғолиблари аниқланади.

Ғолиблар сони ҳар бир синфдан қўйидагича қилиб белгиланади:

I ўрин — 1 ТАДАН ҒОЛИБ
II ўрин — 2 ТАДАН ҒОЛИБ
III ўрин — 2 ТАДАН ҒОЛИБ

Олимпиаданинг III босқичи ғолиблари ҳакамлар ҳайъати томонидан белгиланган фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

Сиртқи олимпиадада I ўринни олган II-синф ўқувчиси институтнинг кириш имтиҳонига математика предметига бўлган истасан олий ўқув юртига тест синовларисиз, конкурсдан ташқари қабул қилинади.

I ўринни олган 8, 9 ва 10-синф ўқувчилари навбатдаги Ўзбекистон мактаб ўқувчилари ва ХТБЮнинг математика фани бўйича Республика олимпиадасида конкурсиз иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритадилар ҳамда ёш физик ва математикларнинг ёзи мактабига тақлиф қилинади.

Қуйида 31 январь кuni телевидение орқали эълон қилинган I тур топшириқларини келтираимиз.

11-синф

1. Агар $a^2 + b^2 \neq 0$ бўлса, у ҳолда $5a^2 - 6ab + 4b^2 > 0$ эканлигини исботланг. (6 балл)
2. $y = (x-1)/2$ функцияси графити курилсин. Бу ерда $(x) - x$ сонининг каср қисми. (15 балл)
3. Параметр a нинг қандай қийматларида $3ax^2 - 2(3a-2)x + 3(a-1) = 0$ тенглама бир хил ишорали иккита маънадаги ага бўлади? (15 балл)
4. Радиуси 2 см бўлган доирага ички чизилган учбурчакнинг бир бурчаги 60°, иккинчиси 45° бўлса шу учбурчакнинг юзи топилинсин. (18 балл)
5. 1, 2, 3, ..., 12 ва 468, 469, 470, 471 сонлари ёрада 4x4 ўлчамдаги квадратни шундай тўларингки сатрлар, устунлар ва диагоналар бўйича йигинди 489 га тенг бўйсин. (6 балл)

10-синф

1. $x^2 = y^2 + 2y + 4$ тенгламанинг $xy < 0$ шартни қаноатлантирувчи бутун ечимларини топинг. (10 балл)
2. $y = \sqrt{1-2x+x^2} + \sqrt{4-4x+x^2}$ функциянинг графитини чизинг. (10 балл)
3. Тўғри тўртбурчак 1x1 см.ли квадратга бўлинган ва барчасига сонлар ёзилган. Ҳар бир сатрлардаги сонлар йигиндиси 1 ва ҳар бир устунлардаги сонлар йигиндиси 2 бўлса, тўртбурчакнинг юзи 1994 см² бўла оладими? (14 балл)
4. a, b, c лар учбурчак томонлари ва a, b, c лар эса мос бурчакалари бўлсин. У ҳолда $(a+b+c)^2 = 2(a^2+b^2+c^2)$ тенглик ўринли эканлигини исботланг. (20 балл)
5. Ота вафотидан кейин ўғилларига мерос (диноларда) қолди. Улар меросин ўзаро қўйидагича тақсимладилар: энг кичик ўғил 1 динар, ундан каттароғи 2 динар ва ҳозир 1 динарға ўсиш тартибидан олинди. Қоши барча пуллари йиғиб олади ва шариатга кўра, ҳар бир ўғилга 1 динардан тенг тақсимлади. Мерос неча динар ва неча ўғил бўлган? (6 балл)

Республика
Ўқув-методика маркази,
Физика-математика бўлими.

Газета

саҳифаланаётганда:

БОЙ МУХАММАДНИ ЎҒРИ УРДИ

«Туркистоннинг Фаргона вилояти бўйича муҳбири Рустам Бой Мухаммад учун ўтган ҳафтанинг пайшанбаси ҳосиятсиз келди. Уша кунни тунги соат 24 лар чамасида журналистнинг ўйига ўғри тушди. Икундй иш билан машғул бўлиб иш столда кўзи илинган Рустам айнан шу маҳалда ташқарига чиқди-ю, ҳовлининг нариги томонидан уйда аялланган шарапа юртанилигини сезиб қолди. Бундай пайтда ҳар қандай киши доғдираб қоларкан. Ҳамкасбики ҳам шундай бўлди. Уй эгаси уйгоқ эканлигини сезган ўғри қочиб қашага тушди. Лекин эллай олмайди. Муҳбир уни тугиб олиб, обдон дўппослади, кейин ўғрини айвон устунига боғлаб қўйиб, қўшнilarини уйготди. Анча вақтдан бери ана шундай «туғри меҳмонлар» ташрифидан юрак олдириб қўйишган кўн-қўшнilar ҳам ўғрини ўзларича сўраб-сўриштиришди.

Тун ярмидан оғиб қолган пайтда чақирилмаган меҳмонини Рустам тумани ички ишлар бўлими ходимлари олиб кетишди. Ҳозир тергов ишлари олиб бориляпти. Ҳа, эн паст ўғрини янги-а, келиб-келиб журналистни туманокчи бўлди-ми! Ё унинг «Бой Мухаммад»лигига ишонганимиз! Энди адабингизни ейдиган бўлсан. Шэхзода СОДИҚОВА, Вилоят телерадио корпорацияси муҳаррири.

Келгуси сонда:

● ҒАРОЙИБ
ТАҚДИРЛАР
● БАҒБОД БУЛ-
ГАН «КУНГИЛ
ТОШҚИНЛАРИ...»

Жумҳуриятимизда янги ҳаёт бошланганлигига икки йилдан ошди. Мустақиллигининг энг катта белгиси шу бўлдики, халқимизнинг қадр-қиммати, тарихи тан олинди, ўз урф-од-лари, этнокоди қайта тикланди. Тарихий обидаларини қайта тиклаш ва халқимиз, ватанимиз тарихига оид ёдгорликлар яратиб ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида шу ўтган икки йил ичида Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Амир Темур, Шароф Рашидов ва бошқа бир қанча алломалар ва буюк инсонларнинг ҳайкаллари ва улар номи билан аталган хибонлар юзга келди.

Энг муҳими, халқимизнинг иймон-этиқодини эркинлик берилди, бу ўз навабига масжид ва медресаларни қайта таъмирлаш ва қурилишининг ривожланишига туртки бўлди. Шу ўтган икки йил ичида жумҳуриятимизнинг деярли барча шаҳар, қишлоқ ва ма-

Кенгашли тўй тарқамас

ҳаллаҳларида масжидлар қури-
ла бошланди.

Маълумки, масжидлар ва медресалар аввалдан фақат номоз ўқиш жойи бўлибгина қолмасдан асосан одоб-ахлоқ, тарғибот, илим-маърифат олиш маскани бўлиб хизмат қилган. Бу бинолар юксак дин ҳосиласи ўлароқ улка санъатлари даражасига етказилган. Шу бонс ҳам Шахрисабздаги XVI асрда қурилган Ҳазрати Имом масжиди, Тошкентдаги XVI аср ўрталарида қурилган Қўқалдош медресаси, Самарқандда 1405 йилда қурилган Биҳиконим масжиди ва бошқа бунга ўхшаш бутун ер юзига маълум обидалар дунё халқ-

ларини ҳалигача дол қолди-
риб келмоқда.

Хўш, жумҳуриятимиз вилоятларида олиб борилаётган шу каби таъмирлаш ва қурилиш ишларида бу ҳолатлар инобатга олинаётганими?

Тошкент шаҳрининг Юсуф оёб туманидаги Ҳусниддин Нуриддинов кўчасида жойлашган Умар Ибн Ҳаттоб масжиди қурилишида бу талаб ва максадлар инобатга олинган. Бу ўринда бино қурилишига замонавий мутахассислар билан бир қаторда халқ усталари ва маҳалла оқсоқолларининг маслаҳатлари есоқоти.

Су масжид ҳақида қисқача маълумот берадиган бўлсак,

Нуктаи назар

пойдевори темир бетондан бўлиб, 1,2 м. чуқурликда лентасимон шаклда, деворлари пишиқ ғишдан бўлиб, масъулиятли жойларига металл конструкциялари ишлатилган. Гумбазини ясада темир бурчак ишлатилган бермадан фойдаланилган. Бу эса гумбазини анча пишиқ, енгил, арзон ва қулай бўлишига олиб келди. Масжидда бир йўла 1500 дан зиёд одам номоз ўқиши мумкин. Масжид қошида номоз ўқиш хонасидан ташқари қўшимча хоналар жумладан, кутубхона, китоб савдоси хонаси, савод ўқув ва муталаа хонаси, ҳордиқ чиқарадиган хоналар қуриш мўл-

жалланмоқда. Бино қурилишига ҳатто хорижий мутахассислар ҳам жалб этилган.

Аммо республикада қурилётган ҳамма масжид ва медресаларда ҳам шу каби юксак талаблар инобатга олинаётганлиги ачинарли. Кўп ўринларда бу ишлар шомша-шошарлик билан битказилиб, фақат 5-10 та одамнинг номоз ўқиш жойига айланиб қоляпти, холос. Айниқса, бу ҳолат қишлоқларимизда кўп содир бўлмоқда. Бу жойларда бино лойиҳалари ва қурилишида диний маърифатчилар, шарқшунос олимлар, халқ усталари иштироки сезилмаляпти.

Юқорида айтилганидек, масжид ва медресалар аввало ахлоқ-одоб, маърифат, илим, ғуруҳи маскан, санъат ва тўғрисида давр ёдгорлигидир. Шу бонс бу ишларни қўл унда, номига, шомша-шошарлик билан бажариш кутулган мақсадни рўёбга чиқармайди.

Абдурахмат РИЗАЕВ,
муҳандис.



Спорт

Футбол

янгиликлари

Сермаҳсул ҳужумчи Олег Протасов Япониянинг «Гамба» (Осака) клуби билан шартнома тузди. Япониянинг яшил майдонларида Протасовга бонза яхши маълум бўлган Алексейников ва Цеди тўп суришяётган эди.

«Футбол қироли» Пеле АҚШда бўладиган футбол бўйича жаҳон чемпионати ҳақида башорат қилиб, яна юртдошларининг имкониятларини юқори баҳолади.

— Бразилия, Колумбия, Мексика жамоалари ҳар қачонгидан ҳам жиддий тайёргарлик кўришган ва улардан бири жаҳон чемпиони бўлади, — деди Пеле.

Ўзбекистон Республикаси кубоги ўйина-рининг тизими ва му-ддатлари ишлаб чиқилди. Унга кўра учра-шувлар қўйидаги тар-тибда ўтказилади:

10, 14 апрель — 1/32 финал
3, 17 апрель — 1/16 финал
1, 15 май — 1/8 финал
22, 26 май — чорак финал
12, 26 июнь — ярим финал
17 июль — финал
Республика чемпи-онати ўйинлари эса, 27 мартдан бошланади.

АҚШда ўтадиган навбатдаги жаҳон чемпионатида аввалги мусобабаларга нисба-тан чинта нархлар анча қиммат. Аввал-гил, Италияда бўлиб ў-тган чемпионатда финал ўйинидаги энг яхши жойга 175 доллар бел-гиланган эди. АҚШда эса худди шундай чи-пта 400 дан 600 дол-ларгача.

Машҳур футболчи Диего Марадонанинг «трофеиди» шов-шув, миш-мишлар бироз бўлса-да, тинмайди. У ўш бир қанча саргу-заптарларга арашашиб қолган. Марадонани гоҳ у, гоҳ бу нараса билан айбалаб, ҳушқў органлари «чоптириб» юришибди.

Ўқинда унинг уйи яқинда журналист-ларни отиб кетишган учун Марадонага икки йил қамқў жазоси тақ-дид солмақда.

Н. МАҲМУДОВ
тайёрлади.



БУ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР БОР...

Бундан бир неча йил муқаддам мана шу кунлар, қадриятлари мизинг бундай қадр топини ҳақида фавқат хаёл қилишгагина мумкин эди. Истиқлол шарофати билан диний, маънавий қадриятларимиз эъзоз топаётди. Биз бутун Қуръони Каримни она тилимизда муталаа этаётганимиз, «Ҳадис»лардан огоҳимиз. Ва бу неъматларнинг барчаси учун шукр қилмоқ ҳам қарз, ҳам фарздор.

Орадан икки кун ўтиб, шаро-фатли Рамазон ойи кириб келади. Бу ойда Ислам тарихидаги муҳим ҳодисалар юз берган, Қуръони Карим нозил бўлган.

XX асрдай мураккаб, тараққиёт ўзининг энг юксак нуқтасига кў-рилган ҳозирги даврда ҳам Рама-зон шариғида рўза тутишнинг аҳамияти мавқуф, деган муло-ҳаза кўпчилигини, жумладан, ёш-ларни ўйлантириш табиий. Лекин масалалар жиддий қараладиган бўлса, рўзанинг фақат сийҳат-сало-матлиқка эмас, балки маънавиятга татсири ҳақ каттадир.

Шу маънода давримизнинг етук маънавиятчи олим, Ислам мутафаккири Бадиуззамон Саид Нурсийнинг қарашлари эътибор-ли.

1. У ер юзини неъмат дастур-хони сифатида идрок этишига кў-маклашади. Киши кечкурун дастурхонга ўтирар экан, азалий Сул-тон зиефатига келгандай бўлади. Бу неъматларни ким яратганини тўғрисида ўйлаб, ўзини руҳоний-лар оламида кўради, покликка интилади.

2. Одам-кў бирор ошхонага кир-са, еган таомининг ҳақини тўлай-ди. Ифтор чоғи дастурхонга кел-ган ранг-баранг неъматлар учун инсон кимга ҳақ бериши, кимга миннатдорчилик билдириши ке-рак? «Бу неъматлар менинг мул-ким эмас, ҳар доим бундай танов-ули булиш менинг ихтиёримда эмас... Булар бошқа бировнинг моли ва ишомин», дея ўйлайди ва шукр қилади.

3. Маълумки, ҳар қандай жа-мийятда ҳам одамлар ҳар хил ҳаёт кечиради. Ушнга тўқлар ва ноқор-лар мавқуд; ўзига тўқ оилалар рўза маҳали теварак-атрофидан турфа ҳолдагилар ҳақида ўйлаб кўрадилар, мурувватли бўлишга интиладилар.

4. Инсон нафсини тийишга ўр-
танади.

5. Нафс йўлига кирган одам ўзидан огоҳлиқни англамайди. Дунёга қўқулик билан қарайди, Рўза маҳали эса у ўзининг бир-ламчи эҳтиёжинигина ҳис эта бошлайди, оқибат тани марҳа-матла ва шафқатга муҳтож экан-лигини идроклайди. Соғлиқ-омон-лик тилашини ўрганади.

6. У Рамазон шариғида Қуръ-они Карим нозил бўлганидан огоҳ бўлади ва уни муталаа қилишга — маънавиятини тўйинтиришга ури-нади.

7. У одамлар савоб ишлар қи-лишга интилаётганини кўради ва гуноҳ сая-ҳаракатлардан, ёмон кирдиқорлардан ўзини тияди, ай-ни пайтда бу одат тусига кири-шини истади.

8. У ҳаром ва ҳалолни, пок би-лан нопокин айиришга майл ту-яди, нафсининг ортиқча хоҳишлар-дан ўзини тияди. Сабр-қаноатга одаланади.

9. Нафс Раббининг танишини и-стамайди, унинг хоҳиши чегара-сиздир. Сабр-қаноатга одаланиш баробарида киши нафсининг йў-тон томирини қирқади. Рўхан соф бў-либ, шукрона қалитини қўлга киритади.

Мирзаиз АЪЗАМ.

М. АВДУЛҲАТТОҲ ШОҲИН. ЕШЛАР МАЪНАВИЯТИ— КЕЛАЖАК КҮРИНИШИ

Еш бўғинларга меҳр-шафқат билан қарамоқ Ватанга ва мил-латга эга бўлиш йўлида ташлан-ган маъноли қадамдир. Айни чо-гда, бу марҳамат ҳисси уларнинг қалбий ва руҳий ҳаётларига йў-налтирилгани қанчалик фойдали бўлса-да, жисмонийларига эъти-бор берилган пайтда уларни бир-бир жисмоний бориққа айланти-рилиши, ҳатто улканлаштирилиши эҳтимолдан узоқ тутилмаслиги керак.

Еш наслларга аҳамият берган ҳар миллат юксалган, уларни еш-лик ҳаваслари оқимиға ташлаб қўйганлари эса, бу эҳтимолларнинг жазосини тортганлардир. Агарни бутун атрофимиз, ҳиёнатлар би-

лан тўлиб-тошган ва авлодлар кундан-кунга янада баттарроқ бу-зилиб бораётган бўлса, бу тамо-ман бизнинг лоқайдигимизнинг натижаси.

Еш одам куч, қувват ва за-конинг ниҳилидир. Тарбия ва пар-вариш қилинган тақдирда, қийин-чилиқларни енга оладиган бир Хераклит, кўнгилга равшанлик ва дунёга тартиб-интизом бера ола-диган бир ақл бўлажақдир...

Жамиятни бир кристалл идиш десак, ешлар унинг ичидидаги бир мой кабидирлар, кристаллинг ранги ва шаклини олиб, у қандай бўлса шундай қўринадилар.

Ҳавасу иштиёқлар бениҳоя ши-рин, фазилатлар эса нордон ва шўр таомларга ўхшайди. Ешлар шулардан бирини таянлашда эркин қолдирилса, нимани таянлаб, ни-мани тарк этишларини айтишга, бил-мадим, ҳожаат бормикин?... Ҳар қалай, биз уларни фазилатга дўст, ахлоқсизлик ва разолатга душман қилиб етиштиришга мажбурмиз.

Тарбия билан ёнингга кирадиган пайти келгунча, ешлар ўш улгай-ган давра, ҳавас ва завқнинг пар-вонаси, илм басират ва мантқан дунёларда дайид юрадиган бир талаб ва соғлом одам бўладилар. Уни ўқини билан бириштириб, келажакка ҳозирловчи тарбия берилса, миллий тўғу ва тушун-чани тамсил этувчи бир навқирон йингит бўлади.

Бир миллатнинг юксалиши ё пасайиши шу миллат ичидидаги Еш бўғинлар олган руҳ ва шуурга, қўрган таълим ва тарбияга боғ-лиқдир. Ешларни яхши етишти-рган миллатлар ҳар вақт тараққи-топишга номзод бўлганлар, улар-ни қаровисиз қолдирган миллат-лар эса итнинг кейинги оёғи бў-либ қолаверадилар, уларнинг бир одам ҳам олға юришларига ҳеч қандай имкон бўлмайди.

Вот муҳаррир Ғаффор ҲОТАМОВ.

Тахрир хайъати: Оди ЕКУБОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Ҳасан ХУДОЙЕРДИЕВА, Абдуқодир ЭҒАШЕВ, Алишер ТЕШАБОВ, Муҳаммад АБДУСАМОВА, Мухаммад АМИН, Азиз АХМЕДОВ, Рустам БОЙМУХАММАД, Зайнабдин МАМАДАЛИЕВ, Карим РАҲИМ, Сирожиддин РАУФ, Зейнабдин РИХСИЕВ — маълум котиб, Ислам ҲАМРО.

Тавсис этилган:

ЎЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИҒОКИ
МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ

газета 1925 йил 8 февралдан «Еш Ленинчи» номи билан чиқа бошлаган.

ТАХРИРИЯТ:

хатлар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ешлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ешлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ешлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадий бешаз — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:

1000 Тошкент, Матбуотлар йўли 2-й.
Нашр кўрсаткичи: 64607

суратлар муаллифларга қайтариламайди ва таҳлил этилмайди.

Газетамиз ҳафтанинг

чоршанба ва шанба

кунлари чиқади.

Қўлёзмалар ҳамда

сураатлар муаллифларга қайтариламайди ва таҳлил этилмайди.